ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1124-1128

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ

Феруза Мирзабахрамовна Одашева
Андижон давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, талабаларнинг замонавий касбий билимлари ва қобилиятларини ривожлантириш масалалари Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларига мувофиқ олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштиришнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Шу нуқтаи-назардан замонавий педагогик технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этишнинг педагогик механизмларини янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

Калит сўзлар: Технология, педагогик технология, касбий билим, тизимли ривожлантириш, замонавий таълим.

КИРИШ

Бугунги кунга келиб мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, тизимларини тубдан, босқичма-босқич ислоҳ қилиш зарурияти сезилиб, пайсалга солиб бўлмайдиган, бу ишни изчил ва тизимли бажаришга киришилгани ҳаммага маълум. Жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар давлатимизнинг олдига таълим тизимини ривожлантириш билан боғлиқ муҳим масалани қўйди. Ижтимоий ҳаёт тубдан ўзгарган бир шароитда таълимнинг янги технологиялари ва усулларини қўллаш асосида бу тизимни жадал ривожлантириш талаб этилади. Республикада амалга оширалаётган ўзгаришларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи – инсон, унинг баркамол ривожланиши ҳисобланади. Бизнинг асосий мақсадимиз таълим жараёнини шахснинг ҳаётий қизиқишларини қондиришга, умумий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1124-1128

маданиятини шакллантиришга, унинг жамият ҳаётида мослашуви, таълим ва касбий дастурларни онгли равишда танлай олиши ҳамда ўзлаштира олишга қаратилган. Бу борада узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган олий таълимнинг аҳамияти беқиёсдир. Талабалар билан ўқув-тарбия жараёнида қисқа вақт ичида мавзуни тизимли, тушунарли тарзда етказиш, фан асосларини пухта ўргатиш, муайян фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ҳамкорлик асосида ўқитиш, талабалар фаолиятини назорат қилиш, юксак педагогик маҳорат билан таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади. Бир сўз билан айтганда қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш, талабаларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ўз имкониятларини, исътедодларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишдир. Бу эса таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллаш лозимлигини тақазо этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Педагогик технология – педагогиканинг шундай билимлар соҳасики, бу орқали таълим ва тарбия тизимида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланди, талаба-ёшларда креатив фикрлаш кўникмалари, билимга чанқоқлик, ўз-ўзига ишонч, янгича дунёқараш шаклланади.

Педагогик технологиянинг қуйидаги натижаларга эришни мақсад қилиб белгилайди:

– ўқув жараёнини фаоллаштириш;

– таълим олувчилар томонидан ўқув материалини ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш ва таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ҳамда ўз фикрини баён этишга ўргатиш.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи янги тамойилларга асосланган бўлиб, шахсни ҳар томонлама шакллантиришга йўналтирилмоғи керак. Илғор педагогик технология марказида таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субекти ва обекти бўлган ўқитувчи ва таълим олувчи олувчи туради.

Шундай экан, бу икки шахснинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши лозим. Бунинг учун таълим жараёни, ўқитувчи, таълим-тарбия жараёни олдига қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари таълим олувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1124-1128

ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, таълим олувчи шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитини вужудга келтириш, таълим олувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Педагогик технологияни қўллаш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

– таълим жараёнининг умумий, яхлит лойиҳасини ишлаб чиқиш;

– таълим жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш;

– таълим жараёни моҳиятини башоратлаш (тахмин қилиш) ва унинг мазмунини ишлаб чиқиш;

– таълим жараёни самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали, мақбул шакл, метод, усул ҳамда техник воситаларни танлаш;

– таълим жараёнида таълим олувчининг эркин, мустақил фаолият кўсатиши учун муайян шарт-шароитларни яратиш, уларда маълум кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташхислаш;

– таълим олувчилар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ҳамда баҳолашни ташкил этиш;

– ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини жамоада синаш, мақсаднинг натижаланганлик даражасини таҳлил этиш.

Педагогик технологияни амалга оширишда таълим мазмунига таянган ҳолда маълум метод ва воситалар қўлланилади.

Педагогик технология методларининг қўлланилиши қуйидаги омиллар:

- ўқитишнинг фаол методлари;
- педагогик техника ва педагогик ишлаб чиқариш асослари;
- таълим жараёнини индивидуаллаштириш;
- таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш;
- модулли таълим технологиялари;
- педагогикада инноватсион жараёнлар;
- педагогик меҳнатни ташкил этишнинг илмий асослари;
- педагогик тест ва стандартлар;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1124-1128

- таълим олувчилар ва ўқув муассасалари рейтинги (шунингдек, ўқув режалари ва дастурлари);
- ишбилармонлик ўйинлари;
- ўйин техникаси ва маданияти услубларига боғлиқ.

Ҳар бир таълим муассасасининг, қолаверса, жамиятнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади ҳам ёшларни замонамизнинг юксак идеаллари бўлишига эришишдан иборат. Замонавий кўриниш ва янгича қиёфа касб этаётган ўқув масканларининг қад ростлаши, уларнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўқув жиҳозлари билан жиҳозланиши, инноватсион ва ахборот коммуникасия технологиялари билан таъминлаш ишлари ёш-у кексани беъетибор қолдирмаётгани барчамизга аён. Галдаги устувор вазифа эса уни асраб-авайлаш ва уни келажак авлод фойдаланиши учун заррача зиён етказмай, соф ҳолда етказиб беришдир.

Давр талабига хос ва мос кадрларни етиштириш учун педагог, аввало, таълим жараёнида ахборот коммуникатсия воситаларини тўғри танлай билиш зарур. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда таълим тизимининг юксак марраларга чиқишини таъминлайди. Зеро, таълим жараёнига замонавий технологияларни татбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган жараён мазмунининг сифат жиҳатидан ўзгаришига олиб келади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки:

– замонавий таълимий технологиялар асосида тўғри ташкил этилган ўқув машғулотлар таълим олувчиларни эркин фикрини баён этилиши учун имкониятлар яратади;

– таълим муассасаларига ахборот коммуникатсия воситаларини кенг татбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган истиқболли режаларини самарали кечишига олиб келади;

– ўрганилаётган фан унинг мавзуси ва мазмунидан келиб чиқиб, мақсадли танланган ўқитишнинг фаол усуллари таълим олувчиларнинг дарсга қизиқишини таъминлабгина қолмай, балки билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга мотиватсияни ҳам шакллантиради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1124-1128

REFERENCES

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил, 31 август.
2. Толипов Ў., Усмонбекова М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. –Т., “Фан” нашриёти. 2006-й. 79-б.
3. Тожиев М., Толипов Ў., ва бошқалар. Педагогик технология (1-қисм). – Т.: Ишонч, 2008. 38-б.
4. Adaptatsiya novichkov: rabotayuщie instrumentы v mire vuca. https://vc.ru/hr/195386-adaptaciya-novichkov-rabotayushchie-instrumenty-v-mire-vuca